

жалб этган маблағлари ҳамда миқдорлар олдидаги қарздорликларини ифода этади. Улар жорий, қисқа муддатли ва узоқ муддатли шаклларда намоён бўлиб, банкнинг ликвидлиги, молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тижорат банклари мажбуриятлари таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, аҳоли омонатлари ҳажмининг ўсиши, давлат ва хусусий сектор маблағларининг жалб этилиши ҳамда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик кенгайтиши мажбуриятлар динамикасига таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, глобал молия бозорида юз бераётган ўзгаришлар, миллий иқтисодиётнинг диверсификация жараёнлари ва рақобат муҳитининг кучайиши банк мажбуриятларини бошқаришда янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Мажбуриятларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари ва уларнинг барқарор ривожланиш истиқболларини баҳолашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу таҳлил орқали банкнинг тўлов қобилияти, ресурс базасининг диверсификация даражаси, ички ва ташқи хавфларга чидамлилиги аниқланади. Шу боис, тижорат банкларида мажбуриятларнинг жорий ҳолатини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш молия бозорини янада ривожлантириш ва банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи. Банк мажбуриятлари ва уларни бошқариш масаласи жаҳон молиявий иқтисодиётида алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ

этилиб келинади. Ушбу диссертация мавзусини назарий жиҳатдан асослаш учун ҳам миллий, ҳам халқаро иқтисодчи олимларнинг ишлари муҳим манба ҳисобланади.

Халқаро олимлар қарашлари Ф.Мишкиннинг “Money, Banking and Financial Markets” асарида келтирилган фикр шундан иборатки, банкнинг пассив операциялари молия бозорларининг барқарор ишлашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У пассив операцияларни банк ресурсларини шакллантиришнинг асосий механизми сифатида кўради. Мишкин таъкидлаганидек, тижорат банклари ресурсларининг катта қисми – депозитлар, қарз мажбуриятлари, қимматли қоғозлар чиқарилиши орқали жалб қилинган маблағлардан иборат. Шунинг учун уларни тўғри бошқариш кредит тизими барқарорлигини таъминлайди, чунки актив операциялар айнан пассивлар асосида амалга оширилади.¹

Яна бир таниқли иқтисодси олим Й. Шумпетернинг назариясида банклар иқтисодий ривожланиш жараёнида марказий ўринда туради. Унинг фикрича, “молиявий воситачилар – аввало тижорат банклари – иқтисодиётдаги ортикча жамғарма ресурсларини самарали тарзда тўплаш ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтириш орқали иқтисодий ўсишнинг “ҳаракатлантирувчи кучи” сифатида намоён бўлади”².

Шунингдек, Шумпетер банкларни фақат пассив воситачи эмас, балки “инновациялар сармоядори” сифатида кўради. Чунки банклар ресурсларни фақат мавжуд ишлаб чиқаришга эмас, балки янгилик киритиш ва иқтисодий структурани ўзгартиришга қодир бўлган лойиҳаларга йўналтиради. Унинг назариясида молиявий воситачиликнинг моҳияти ресурсларни тақсимлашдан

¹ Mishkin, F. S. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets. Pearson Education. 2019 y.

² Schumpeter, J. A.. The Theory of Economic Development. Harvard University Press. 1934

хам кўра кенгрок: банклар янги комбинациялар, яъни иқтисодиётдаги “креатив бузилишлар” (creative destruction) жараёнининг асосий ҳомийси ҳисобланади.

Россиялик иқтисодчи олим И.В. Пещанская ва Г.Г. Коробова ўз илмий изланишларида банк пассив операцияларига аниқ ва назарий жиҳатдан асосланган таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрича, пассив операциялар – бу тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантиришга қаратилган фаолият бўлиб, уларнинг асосий моҳияти ташқи манбалардан маблағ жалб этиш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, пассив операциялар банк учун маблағларнинг вужудга келишини таъминловчи ҳамда кейинчалик актив операцияларни амалга ошириш учун зарур ресурслар яратиб берувчи иқтисодий жараён³.

Пещанская ва Коробова таърифларида алоҳида урғу шунга қаратилганки, банк пассивлари асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади:

Депозитлар – банкнинг энг йирик ва барқарор ресурс манбаи ҳисобланади. Улар талаб қилингунча, муддатли ва жамғарма депозитлар кўринишида бўлиб, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилишга хизмат қилади. Шу тариқа, банклар аҳоли ва бизнеснинг вақтинча бўш маблағларини жамғариб, уларни иқтисодиёт айланмасига қайта киритиш имкониятига эга бўладилар.

Банклараро кредитлар – банклар ўртасидаги қисқа ва ўрта муддатли ресурс айланмаси ҳисобланади. Коробова таъкидлаганидек, банклараро кредитлар тизими банкларнинг ликвидлик муаммоларини ҳал қилишда, айни

³ Пещанская, И.В. Банковские операции. Москва: Инфра-М. 2015 й.
SJIF: 5.051

вақтда, молия бозорларидаги барқарорликни сақлашда муҳим ўрин тутди.

Таниқли иқтисодчи ўзбек олимлардан Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш. ва Абдуллаева С.лар томонидан нашр этилган “Банк иши” дарслигида келтирилган таърифда пассив операциялар банк ресурсларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ жараён сифатида кўрилади. Ушбу ёндашув банк фаолиятининг моҳиятини очиб берувчи муҳим назарий асос ҳисобланади⁴.

Банк ресурслари – бу банкнинг кредит бериш, инвестиция қилиш ва тўловлар тизимида иштирок этиш каби асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий асосдир. Мазкур ресурсларнинг шаклланиши эса айнан пассив операциялар орқали амалга ошади. Шу жиҳатдан, пассив операциялар банкнинг “молиявий пойдевори” сифатида намоён бўлади. Дарсликдаги таърифдан келиб чиқиб, пассив операцияларни қуйидагича илмий йўналишларда кенгроқ тавсифлаш мумкин:

- Теоретик жиҳатдан – пассив операциялар банкнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи стратегик функциядир. Улар орқали банк ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни жалб қилади.

- Таркибий жиҳатдан – пассив операциялар турли шаклларда намоён бўлади: талаб қилиб олингунча ва муддатли депозитлар, жамғарма омонатлари, қимматли қоғозлар чиқариш, банклараро кредитлар ва Марказий банк ресурслари.

- Иқтисодий жиҳатдан – пассив операциялар молия бозорлари орқали маблағлар айланмасини таъминлайди, ортиқча бўш маблағларни жамиятдан

⁴ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет. – Б. 214

жалб қилиб, уларни иқтисодий фаолиятга қайта йўналтиради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тижорат банкларининг мажбуриятлари асосан депозитлар, банклараро кредитлар, Марказий банкдан жалб қилинган ресурслар, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳисоб-китоб мажбуриятларидан шаклланмоқда.

Банк мажбуриятлари таркиби ва динамикаси тижорат банклари учун ликвидлик хавфини бошқариш, ресурс базасини кенгайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 2022–2025 йилларда банк тизимидаги ислохотлар (омонатлар кафолати тизимини кучайтириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, банклараро кредитлар бозорини кенгайтириш) натижасида мажбуриятларнинг шаклланиши ва уларнинг ҳисобини юритиш механизми такомиллашмоқда. МҲХС (IFRS) талабларига мос ҳисоб юритиш банкларнинг халқаро молия бозорларидаги нуфузини оширмоқда.

Тижорат банкларида мажбуриятларнинг жорий ҳолати барқарор депозит базаси, ташқи молия институтлари билан ҳамкорликдаги кредитлар, қимматли қоғозлар орқали ресурс жалби ва электрон тўлов тизимларидаги фаолият орқали ифодаланади. Бироқ, банклараро бозорнинг ривожланмаганлиги ва фоиз харажатларининг юқорилиги ҳали ҳам ҳал этилиши лозим бўлган масалалар қаторида турибди.

1-жадвал

Тижорат банкларининг мажбуриятлар таркиби⁵.

Кўрсаткичл	01.01.2024	01.01.202	Ўзга
------------	------------	-----------	------

⁵ Марказий банк маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томондан тузилди.
 SJIF: 5.051

	ар номи	й.		5 й.		риши, фоизда
		м	у	м	у	
		лрд. сўм	луши, фоизда	лрд. сўм	луши, фоизда	зда
	Депозитлар	2 41 687	4 3,5%	3 08 692	4 7,2%	28%
	Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	1 345	0 ,2%	1 727	0 ,3%	28%
	Бошқа банкларнинг маблағлари- резидент	2 4 577	4 ,4%	2 5 008	3 ,8%	2%
	Бошқа банкларнинг маблағлари- норезидент	2 0 074	3 ,6%	1 6 428	2 ,5%	- 18%
	Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	2 24 351	4 0,4%	2 34 667	3 5,9%	5%
	Чиқарилган қимматли қоғозлар	1 3 161	2 ,4%	2 9 095	4 ,4%	121 %
	Субординар қарзлар	9 653	1 ,7%	1 1 299	1 ,7%	17%
	Тўланиши	8	1	9	1	21%

	лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	106	,5%	823	,5%	
	Бошқа мажбуриятлар	1	2	1	2	47%
	Жами	5	1	6	1	18%
0	мажбуриятлар	55 078	00%	54 538	00%	18%

2024–2025 йилларда тижорат банклари мажбуриятлари таркибида бир қатор муҳим ўзгаришлар кузатилди. Биринчи навбатда, депозитлар улушининг кескин ортиши эътиборга молик. Бу аҳоли ва бизнес субъектларининг банк тизимига бўлган ишончи ўсиб бораётганини, молиявий саводхонлик даражаси юқорилаб, жамғармаларнинг кўпроқ расмий молиявий институтларга йўналтирилаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, давлат томонидан депозитларни кафолатлаш тизими кучайгани ҳам бу жараёнга ижобий таъсир қилди.

Марказий банкдаги ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлар нисбатан кичик бўлса-да, ўсиш тенденциясига эга. Бу эса тижорат банкларининг ликвидликни бошқаришда марказий банк воситаларидан кўпроқ фойдаланаётганини англатади. Демак, қисқа муддатли пул бозорида талаб ортиб, банклар ўз фаолиятида бу имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Банкларо операцияларга тўхталсак, резидент банклар билан ҳисоб-китоблар ҳажми сақланиб қолган, лекин жами мажбуриятлардаги улуши бироз пасайган. Бу эса банклар ўз ресурсларини асосан ички мижозлар

ҳисобига шакллантираётганидан далолат. Шу билан бирга, норезидент банклар билан операциялар кескин камайди. Бунинг сабаблари халқаро молия бозорларидаги беқарорлик, геосиёсий хавф-хатарлар ва ташқи манбалардан қарз жалб қилиш харажатларининг ортиши билан изоҳланади. Яъни, банклар ташқи ресурсларга камроқ таяна бошлади ва ички бозор имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш йўлини танлади.

Олинган кредитлар ва лизинг операциялари ҳам ўсган, лекин уларнинг умумий улуши пасайди. Бу, ўз навбатида, депозитлар ва қимматли қоғозлар орқали маблағ жалб қилишнинг нисбатан тезроқ суръатларда ошганини кўрсатади. Шу сабабли банклар ташқи қарзга қараганда ички манбаларни афзал кўра бошлаган.

Ажабланарли жиҳат шундаки, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми икки баробардан кўпроқ ошди. Бу молия бозорида банк облигацияларига талаб ўсганидан, инвесторлар учун янги имкониятлар очилганидан дарак беради. Бу тенденция миллий капитал бозори ривожини учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Субординар қарзлар миқдори ҳам кўпайди, лекин уларнинг умумий улуши ўзгармади. Бу банклар капиталини мустаҳкамлаш сиёсати изчил давом этаётганини англатади. Ҳисобланган, аммо ҳали тўланмаган фоизлар ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу пассив операциялар бўйича харажатлар кўпайганидан далолат.

“Бошқа мажбуриятлар” катта суръатда ўсгани эса банкларнинг турли кредиторлик қарздорлиги ва ҳисоб-китоб операциялари кўпайганини англатади. Бунинг ортида тўлов тизимлари фаолиятининг кенгайиши ва янги молиявий хизмат турлари пайдо бўлаётгани ётади.

Умумий ҳисобда мажбуриятлар сезиларли даражада ўсди. Лекин эътиборли жиҳати — уларнинг таркибида ички манбалар, айниқса депозитлар ва қимматли қоғозлар улуши ошиб, ташқи манбалар ҳиссаси камайди. Бу ҳолат миллий банк тизимининг барқарорлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

2-жадвал

Тижорат банкларидаги депозитлар қолдиғи⁶.

Йил	Ҳиссамаси	Миллий валютада			Чет эл валютасида		
		Жами	шундан:		Жами	шундан:	
			Жисмоний шахс	Жюридик шахс		Жисмоний шахс	Жюридик шахс
01.01.2023 й.	16 37,5	31 794,8	5 169,8	6 625,0	4 942,7	3 578,7	1 364,0
01.01.2024 й.	41 686,6	69 515,7	3 651,1	05 864,6	2 170,9	9 141,5	3 029,5
01.01.2025 й.	08 692,3	31 234,6	5 621,9	35 612,7	7 457,7	4 190,4	3 267,3

⁶ Марказий банк маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томондан тузилди.
 SJIF: 5.051

Жами депозитлар 2023 йилда депозитлар 216 737,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда улар 11,5% га ўсиб 241 686,6 млрд. сўмга етган. Кейинчалик 2025 йилда яна 27,7% га ўсиб, 308 692,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўсиш аҳоли ва бизнес субъектларининг банк тизимига ишончи ортиб, омонатларни банкка жойлаштиришга бўлган қизиқиши кучайганини англатади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот саволларига оид натижаларни илмий тилда кенгроқ ёритиб берганда қуйидагича хулосалар шакллантириш мумкин:

Биринчидан, 2020–2024 йилларда тижорат банклари депозитлар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, талаб қилиб олинганча депозитлар улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолат банк ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан хавfli ҳисобланади, чунки бундай депозитлар тез ечилиши мумкин ва уларга суянган ҳолда узоқ муддатли кредитлаш амалиётини барқарор йўлга қўйиш қийинлашади. Муддатли ва жамғарма депозитлар улушининг секин суръатларда ўсиши эса диверсификация даражаси ҳали етарли эмаслигини англатади.

Иккинчидан, ликвидлик меъёрлари таҳлили шуни кўрсатдики, Базель III талаблари доирасида жорий этилган Ликвидликни қоплаш меъёри (ЛҚМ) ва Соф барқарор молиялаштириш меъёри (СБММ) миллий банк тизимида босқичма-босқич қўлланилмоқда. ЛҚМ кўрсаткичи банкнинг 30 кунлик эҳтимолий чиқимларини юқори ликвидли активлар ҳисобига қоплай олиш салоҳиятини ўлчашга хизмат қилади, СБММ эса узоқ муддатли ресурслар ва

барқарор молиялаштириш базасини баҳолаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичларнинг норматив даражада сақланиши банкларнинг молиявий барқарорлиги ва хавфларга чидамлилигини таъминлайди.

Учинчидан, тижорат банкларида қарз мажбуриятларини бошқариш амалиётида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, АҚШда актив-пассивларни бошқариш кўмитаси (ALCO) доимий равишда ликвидлик ва фоиз хавфини баҳолайди, Европа мамлакатларида эса Базель III талаблари қатъий тарзда жорий этилган бўлиб, ЛҚМ ва СБММ кўрсаткичлари тўлиқ назорат қилинади. Японияда узок муддатли жамғарма депозитлар асосий ресурс манбаи сифатида хизмат қилади, Буюк Британияда эса банклар деривативлар ва хеджирлаш воситалари орқали хавфларни самарали бошқарадилар. Ушбу тажрибалар миллий банк тизими учун илмий-назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тўртинчидан, фоиз сиёсати ва Марказий банк назорати депозитлар таркибига сезиларли таъсир кўрсатади. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, инфляция даражаси ва бозор конъюнктураси омонатларнинг муддатли ёки талаб қилиб олингунча шаклларда шаклланишига бевосита таъсир қилади. Шу боис банклар фоиз сиёсатини бозор талаблари ва норматив талаблар асосида диверсификация қилиши зарур.

Бешинчидан, аҳоли ва инвесторлар ишончи кўрсаткичларининг ўсиши тижорат банклари учун стратегик устунлик ҳисобланади. Ликвидлик ва барқарорлик кўрсаткичларининг норматив даражада сақланиши мижозлар ишончини кучайтиради, инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда банк тизимида бўлган умумий ишончни

мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лаврушин О. И. Банковское дело : современные принципы организации. – Москва : КноРус, 2020. – 432 с.
2. Мишкин Ф. С. Пул, банклар ва молия бозорлари : дарслик / тарж. ўзб. тилига. – Тошкент : ТМИ, 2018. – 688 б.
3. 11. Пещанская И. В. Банковские операции и управление пассивами. – Москва : Финансы и статистика, 2019. – 298 с.
4. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет. – Б. 214.
5. Абдуллаева Ш.З. Банк иш. -Т.: Молия 2003 йил, 131 б.
6. АТ Халқ банк ҳисобот маълумотлари.
7. European Central Bank. Annual Report, 2023.
8. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
9. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).